

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ МАКРОИҚТИСОДИЙ ВА ҲУДУДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ**



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Институт директорининг
биринчи ўринбосари
З.Халдаров**

“4” сентябрь 2026 й.

**08.00.02 - “Макроиқтисодиёт” мутахассислиги бўйича
таянч докторантурага кириш имтиҳони**

ДАСТУРИ

Тузувчилар:

**Макроиқтисодий сиёсат ва
таҳлил лойиҳаси раҳбари
Стратегик режалаштириш ва
моделлаштириш лойиҳаси раҳбари
Монетар сиёсат ва банк-молия тизимини
ривожлантириш лойиҳаси раҳбари**

З.Мухитдинов

Н.Абдуназарова

Д.Джалилов

ТОШКЕНТ – 2026

Макроиктисодиёт – бу бутун мамлакат иқтисодиёти ҳақидаги фан. У иқтисодий тизим барча иштирокчиларининг тўпланган, жамланган хатти-ҳаракатларини ўрганади. Макроиктисодиёт қизиқарли фандир, чунки у инфляция ва ишсизлик, солиққа тортиш, бозор фоиз ставкалари, бюджет тақчиллиги ва бошқалар каби муҳим масалаларни тушуниш имконини беради. Макроиктисодиёт – бу умумий иқтисодий назариянинг бўлими бўлиб, иқтисодиётнинг фундаментал муаммоларини бутун миллий хўжалиги даражасида ўрганади.

Макроиктисодиёт бутун иқтисодий жараёнларни умумий ҳолатини таҳлил қилади, яъни, барча иқтисодий муносабат субъектларининг бозордаги фаолият шароитлари ва натижаларини ўрганади.

Макроиктисодиётни билиш нафақат давлат органларида ишлайдиган ёки иқтисодий сиёсатни шакллантириш билан шуғулланувчи мутахассислар учун, балки оддий менежерлар учун ҳам зарур бўлиб, улар учун бу билимлар янада оқилона ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини беради.

Ушбу дастур 08.00.02-Макроиктисодиёт мутахассислиги бўйича барча паспорт талабларини ўз ичига олади ва макроиктисодиёт йўналиши бўйича кириш имтиҳонларини топшириш учун мўлжалланган.

Дастур институт илмий Кенгашининг 2026 йил 27 августдаги йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқлаш учун тавсия этилган (13-сонли баён).

**Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институтида таянч
докторантурада ўқиш учун 08.00.02-макроиктисодиёт мутахассислиги
бўйича кириш имтиҳони
ДАСТУРИ**

Макроиктисодиёт методологияси ва макроиктисодий ўлчовлар

Макроиктисодиётнинг объекти, предмети, функциялари ва тадқиқот усуллари. Агрегатлаш, мувозанат, қисман ва умумий мувозанат, қисқа ва узок муддат, оқим ва захира кўрсаткичлари. Позитив ва норматив таҳлил. Классик, кейнсчилик, монетаризм, янги классик, янги кейнсчилик, институционал ва эволюцион ёндашувларнинг асосий фарқлари.

Миллий ҳисоблар тизими: институционал секторлар, ишлаб чиқариш чегараси, ялпи ички маҳсулот ва ялпи миллий даромад, ялпи қўшилган қиймат, ихтиёрдаги даромад, жамғарма ва соф кредитлаш. ЯИМни ишлаб чиқариш, даромадлар ва якуний фойдаланиш усулларида ҳисоблаш. Номинал ва реал кўрсаткичлар, дефляторлар, занжирли индекслар, харид қобилияти паритети.

Ресурслар ва фойдаланиш жадваллари, тармоқлараро баланс, ижтимоий ҳисоблар матрицаси. Яширин ва норасмий иқтисодиётни баҳолаш.

Иқтисодий ўсиш, унумдорлик ва потенциал ишлаб чиқариш

Иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив омиллари. Солоу-Свен модели, капитал жамғарилиши, аҳоли ўсиши, технологик тараққиёт, олтин қоида ва конвергенция. Рамсей–Касс–Купманс ёндашуви. Эндоген ўсиш моделлари: АК, инсон капитали, билимлар тарқалиши, илмий-тадқиқот ва инновация, Шумпетерча ижодий вайронкорлик.

Ўсишни ҳисобга олиш, капитал хизматлари, меҳнат сифати, ялпи омиллар самарадорлиги ва уни декомпозиция қилиш. Меҳнат унумдорлиги, капитал унумдорлиги, ресурс самарадорлиги. Институтлар, рақобат, инсон капитали, инфратузилма, молиявий ривожланиш, очиқлик ва технологик ўзлаштиришнинг ўсишга таъсири.

Потенциал ЯИМ ва ишлаб чиқариш тафовути. Ишлаб чиқариш функцияси, бир ва кўп ўзгарувчили статистик филтрлар, таркибий вақт қаторлари, қувватлардан фойдаланиш ҳамда бизнес сўровлари асосида баҳолаш. Таркибий трансформация, секторлар ўртасида ресурсларни қайта тақсимлаш, урбанизация, диверсификация, инклюзив ва барқарор ўсиш. Ўсиш суръати билан унинг сифати ўртасидаги фарқ.

Бизнес цикллари, ялпи талаб–ялпи таклиф ва макроиктисодий мувозанат

Иқтисодий тебранишлар, тренд ва циклни ажратиш, проциклик ва контрцикликлик, етакчи, мос ва кечикувчи индикаторлар. Ялпи талаб ва ялпи

таклиф, қисқа ва узоқ муддатли таклиф эгри чизиклари. IS-LM модели, товар ва пул бозорлари мувозанати, ликвидлик тузоғи ва фискал сиқиб чиқариш таъсири.

Рационал ва адаптив кутилмалар. Реал бизнес цикллари ва янги кейнсчилик ёндашуви. Янги кейнсчиликнинг уч тенгламали ядроси: динамик IS, янги кейнсчилик Филлипс эгри чизиги ва пул-кредит сиёсати реакция функцияси. Нарх ва иш ҳақи қатъийлиги, меню харажатлари, номукаммал рақобат ва ахборот чекловлари.

Талаб, таклиф, молиявий, ташқи ва сиёсат шокларининг тарқалиш механизми. Оқун қонуни, Филлипс эгри чизиги, табиий ишсизлик, NAIRU, гистерезис. Автоматик стабилизаторлар, сиёсат лаглари, вақтга мос келмаслик ва ишонч муаммоси.

Истеъмол назарияси, перманент даромад ва ҳаётий цикл гипотезалари, Эйлер тенгламаси, «Кузнец жумбоғи» (Kuznets puzzle).

Инфляция, нархлар динамикаси ва нархлар барқарорлиги

Инфляциянинг мазмуни, даражаси, суръати, давомийлиги ва инфляцион кутилмалар. Истеъмол нархлари индекси, ишлаб чиқарувчилар нархлари, импорт нархлари, базавий инфляция ва ЯИМ дефлятори. Индекс вазнлари, алмаштириш хатоси, сифат ўзгариши, мавсумийлик ва маъмурий тартибга солинадиган нархлар.

Талаб инфляцияси, харажатлар инфляцияси, монетар ва номонетар омиллар. Пул миқдори назарияси, инфляцион солиқ, сенъораж. Иш ҳақи-нарх спирали, инфляция инерцияси, инфляцион кутилмаларнинг шаклланиши. Қисқа ва узоқ муддатли Филлипс эгри чизиги.

Валюта курси ўзгаришининг импорт нархлари ва ички инфляцияга ўтиши, асимметрия ва ҳолатга боғлиқлик. Тармоқлар ва истеъмол гуруҳлари бўйича инфляция. Инфляцион таргетлашнинг шартлари, мақсадли кўрсаткич, прогноз горизонти, толерантлик оралиғи ва коммуникация. Нархлар барқарорлиги билан иқтисодий фаоллик ўртасидаги қисқа муддатли компромисс.

Пул-кредит сиёсати ва монетар трансмиссия

Пулнинг моҳияти, функциялари, пул агрегатлари, пул мультипликатори ва пулга талаб. Банк тизими томонидан пул ва депозитларни яратиш, тижорат банклари ва Марказий банкнинг роли. Марказий банкнинг мақсади, мустақиллиги, ҳисобдорлиги ва коммуникацияси. Пул-кредит режимлари:

монетар (*пул массасини*) таргетлаш, валюта курсига боғлаш ва инфляцион таргетлаш.

Асосий ставка, фоиз коридори, очик бозор операциялари, доимий инструментлар, мажбурий захиралар, ликвидликни прогнозлаш ва стерилизация. Банклараро пул бозори, даромадлилик эгри чизиғи ва марказий банкнинг охирги инстанция кредитори сифатидаги роли.

Анъанавий бўлмаган пул-кредит сиёсати, миқдорий юмшатиш (QE), форвард йўриқнома (*forward guidance*), салбий фоиз ставкалари сиёсати.

Фоиз, кредит, активлар нархи, валюта курси, кутилмалар ва баланс каналлари. Тейлор қоидаси, нейтрал реал фоиз ставкаси, монетар шароитлар ва сиёсат позицияси. Долларлашув, молиявий инклюзия, рақамли тўловлар ва нобанк молиявий воситаларнинг трансмиссияга таъсири. Пул-кредит ва фискал сиёсатнинг мувофиқлашуви, фискал доминантлик ва марказий банк баланси.

Фискал сиёсат, давлат молияси ва давлат қарзи

Давлат бюджети, консолидациялашган бюджет, бюджетдан ташқари жамғармалар ва давлат корхоналари операцияларининг макроиктисодий аҳамияти. Солиқлар ва давлат харажатларининг турлари. Тўғридан-тўғри ва билвосита солиқлар, солиқ базаси, самарали ставка, солиқ харажати ва маъмуриятчилик.

Дискрецион фискал сиёсат ва автоматик стабилизаторлар. Даврий ва таркибий бюджет баланси, бирламчи баланс, фискал импульс. Давлат харажатлари ва солиқ мультипликаторлари. Иқтисодий цикл, очиклик, қарз даражаси ва пул-кредит режимига боғлиқ ҳолда мультипликаторнинг ўзгариши. Фискал қоидалар, ўрта муддатли бюджет асослари ва натижага йўналтирилган бюджетлаштириш.

Давлат қарзи динамикаси, фоиз-ўсиш дифференциали, валюта ва қайта молиялаштириш хатари, қарз барқарорлиги таҳлили ва стресс-сценарийлар. Шартли мажбуриятлар, давлат кафолатлари, давлат-хусусий шериклик ва давлат корхоналари хатарлари. Давлат инвестицияларини танлаш, харажат–фойда таҳлили ва лойиҳаларнинг ижтимоий қайтими.

Молиявий тизим, кредит цикли ва макропруденциал сиёсат

Молиявий воситачилик, банк баланси, депозит ва кредит яратилиши, фоиз маржаси ва рискка асосланган нархлаш. Ассиметрик ахборот, салбий танлов, маънавий таваккалчилик, гаров чекловлари. Молиявий акселератор ва баланс рецессияси.

Кредит цикли, активлар нархи пуфаклари, левераж ва тизимли риск. Капитал етарлилиги, ликвидлик, активлар сифати, муаммоли кредитлар,

концентрация ва валюта рисклари. Тизимли аҳамиятга эга молия институтлари, банклараро юкиш (*тарқалиш*) ва молиявий барқарорлик кўрсаткичлари.

Микропруденциал ва макропруденциал сиёсат фарқи. Контрциклик капитал буфери, капитални сақлаш буфери, кредит-гаров қиймати (LTV), қарз тўлови-даромад (DSTI), ликвидлик ва валюта позицияси чекловлари. Стресс-тестлар, эрта огоҳлантириш моделлари, банкларни соғломлаштириш ва инқирозларни бошқариш. Капитал бозори, институционал инвесторлар ва молиявий технологиялар.

Очиқ иқтисодиёт, валюта курси ва ташқи барқарорлик

Тўлов баланси ва халқаро инвестиция позицияси: жорий, капитал ва молиявий ҳисоблар; резерв активлар; хатолар ва камчиликлар. Ташқи қарз, ташқи молиявий эҳтиёж ва ташқи барқарорлик кўрсаткичлари.

Номинал, реал, самарали ва мувозанат валюта курслари. Харид қобилияти паритети, фоиз ставкалари паритети, Баласса–Самуэльсон эффекти. Валюта курси режимлари, интервенция, халқаро резервлар етарлилиги ва стерилизация. “Имконсиз учлик” ва капитал ҳаракати чекловлари.

Манделл-Флеминг моделида монетар ва фискал сиёсат. Жорий ҳисоб динамикаси, жамғарма–инвестиция айнияти, экспорт рақобатбардошлиги ва реал самарали курс. Савдо сиёсати, тариф ва нотариф чоралар, глобал қиймат занжирлари, Жаҳон савдо ташкилотига интеграция. Пул ўтказмалари, меҳнат миграцияси ва ташқи шокларнинг ички иқтисодиётга таъсири.

Инвестициялар, таркибий ўзгаришлар, рақобат ва тадбиркорлик

Жамғарма ва инвестиция ўртасидаги боғлиқлик. Инвестицияларга бўлган талаб, инвестицияларни белгилаб берувчи омиллар, фоиз ставкасининг инвестицияларга таъсири ва кутилаётган даромадлиликнинг роли. Капиталнинг чегаравий маҳсулдорлиги, акселератор модели, Тобин q кўрсаткичи ва қайтарилмас инвестиция шароитида ноаниқлик. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, технология трансфери, маҳаллийлаштириш ва ташқи таъсирлар. Инвестиция самарадорлиги, капитал-маҳсулот нисбати ва инвестиция лаглари.

Таркибий ўзгаришлар, саноатлашув, хизматлар иқтисодиёти, диверсификация ва маҳсулот мураккаблиги. Саноат сиёсати инструментлари, уларни танлаш мезонлари, давлатнинг мувофиқлаштирувчи роли ва “ғолибларни танлаш” хатари. Тармоқлараро алоқалар, Леонтьев модели, қўшилган қиймат занжири ва импорт сиғими.

Рақобат муҳити, бозор тузилмалари, бозор кучи, ННІ ва концентрация кўрсаткичлари. Табиий монополия, рақобат сиёсати, давлат корхоналари,

хусусийлаштириш ва корпоратив бошқарув. Тадбиркорлик муҳити, кичик ва ўрта бизнес, молияга кириш, инновация ва фирмалар динамикаси. Давлат ёрдамнинг қўшимчалиги, мақсадлилиги ва натижадорлигини баҳолаш.

Меҳнат бозори, демография, даромадлар ва ижтимоий фаровонлик

Ишчи кучи, иқтисодий фаоллик, бандлик, ишсизлик ва норасмий бандлик кўрсаткичлари. Фрикцион, таркибий, циклик ва яширин ишсизлик. Ишчи кучига талаб ва таклиф, иш ҳақи шаклланиши, минимал иш ҳақи, самарадор иш ҳақи ва меҳнат унумдорлиги.

Иш қидириш ва мослаштириш моделлари, Бевериж эгри чизиги, меҳнат бозори оқимлари ва вакансиялар. Инсон капитали, таълим қайтими, касбий номутаносиблик, автоматлаштириш ва технологик ўзгариш. Ички ва ташқи меҳнат миграцияси, пул ўтказмалари ва “ақллар оқими”.

Демографик ўтиш, демографик дивиденд, қариш, урбанизация ва меҳнат ресурслари прогнози. Даромадлар тақсимооти, Жини коэффициенти, Палма нисбати, мутлақ ва нисбий камбағаллик. Ижтимоий ҳимоя, манзилли трансфертлар, универсал дастурлар ва меҳнатга рағбат. Инклюзив ўсиш, гендер ва ёшлар бандлиги.

Яшил, ресурс тежамкор, рақамли ва инновацион иқтисодиёт

Экологик макроиқтисодиёт, табиий капитал, ташқи экологик таъсирлар. Иқлим ўзгаришининг жисмоний ва ўтиш хатарлари. Углерод нархлаш, экологик солиқлар, субсидияларни ислоҳ қилиш, эмиссия савдоси ва “ифлослантирувчи тўлайди” тамойили. Адолатли ўтиш ва тақсимот таъсирлари.

Энергия, сув, ер ва материаллар самарадорлиги. Ресурс интенсивлиги, энергия хавфсизлиги ва декарбонизация. Яшил давлат инвестициялари, иқлимга мос бюджетлаштириш, яшил молия ва климат стресс-тестлари. Табиий ресурслардан тушадиган рентани авлодлараро бошқариш.

Рақамли иқтисодиёт, маълумотлар активи, платформалар, тармоқ таъсири ва рақамли бозорларда рақобат. Сунъий интеллект, автоматлаштириш ва унумдорлик. Илмий-тадқиқот, инновация тизими, билимлар тарқалиши, технологияни ўзлаштириш, стартап ва венчур молияси.

Макроиқтисодий моделлаштириш, эконометрика ва прогнозлаш

Илмий тадқиқот мантиғи: муаммо, савол, назарий механизм, гипотеза, маълумотлар, идентификация, баҳолаш, робастлик ва хулоса. Корреляция ва сабаб-оқибат, эндогенлик, ташлаб кетилган ўзгарувчи, ўлчаш хатоси ва танланма хатоси. Натижаларнинг ички ва ташқи ишончлилиги.

Вақт қаторлари: стационарлик, бирлик илдиз, структура узилиши, коинтеграция, ARIMA, ARDL, хатоларни тузатиш модели, VAR/SVAR/BVAR, маҳаллий проекциялар ва импульс жавоблари. Филтрлар, ҳолат фазоси ва Калман филтри. Панель маълумотларларга асосланган эконометрик моделлар. Инструментал ўзгарувчилар, фарқлар фарқи, регрессия узилиши, синтетик назорат ва воқеалар таҳлили.

Ишлаб чиқариш функцияси, тармоқлараро баланс (*харажат-ишлаб чиқариш модели*), ижтимоий ҳисоблар матрицаси, ҳисобланадиган умумий мувозанат, динамик стохастик умумий мувозанат (*DSGE*) модели ва сценарий моделлари. Қисқа муддатли прогноз, “nowcasting”, аралаш частотали маълумотлар, прогноз хатолари ва моделларни қиёслаш.

Ўзбекистон иқтисодиёти: макроиқтисодий ривожланиш ва сиёсат таҳлили

2026-2030 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон – 2030»”стратегиясининг макроиқтисодий мақсадлари, натижа кўрсаткичлари ва мониторинг мантиғи. Ўзбекистон иқтисодиётининг таркиби, ўсиш манбалари, инвестиция ва унумдорлик, давлат ва хусусий сектор ўрни, ҳудудлар ва тармоқлар ўртасидаги фарқлар.

Инфляция ва инфляцион кутилмалар, пул-кредит сиёсати режими, монетар трансмиссия ва молиявий долларлашув. Давлат бюджети, фискал қоида ва дефицит, давлат қарзи, давлат корхоналари ва давлат-хусусий шериклик хатарлари. Банк ислохотлари, кредит тақсимоти, капитал бозори ва молиявий инклюзия.

Ташқи савдо, жорий ҳисоб, валюта курси, резервлар, пул ўтказмалари, ташқи қарз ва глобал шоклар. Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик жараёни ва минтақавий интеграция. Бандлик, демография, камбағаллик ва инсон капитали. Саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар, энергетика ва инфратузилманинг таркибий муаммолари. Яшил иқтисодиётга ўтиш, ресурс самарадорлиги, рақамлаштириш ва инновация.

Адабиётлар

Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с принятием основных направлений налоговой и бюджетной политики на 2017 год. Закон РУз от 27.12.2016 г. N ЗРУ-417.
2. О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с принятием дополнительных мер по обеспечению ускоренного развития предпринимательской деятельности,

всемерной защите частной собственности и качественному улучшению делового климата. Закон Республики Узбекистан от 29.12.2016 г. N ЗРУ-418.

3. О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с совершенствованием налогового администрирования // Закон Республики Узбекистан от 30.12.2017 г. N ЗРУ-455

4. О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с принятием дополнительных мер по обеспечению ускоренного развития экономики. Закон Республики Узбекистан от 26.07.2018 г. N ЗРУ-488

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари

5. О мерах по коренному совершенствованию налогового администрирования, повышению собираемости налогов и других обязательных платежей от 18 июля 2017 г.

6. О мерах по расширению полномочий органов государственной власти на местах в формировании местных бюджетов от 7.06.2017 г.

7. О создании Фонда целевого финансирования государственных закупок сельскохозяйственной продукции и оснащения техникой сельского хозяйства при Кабинете Министров Республики Узбекистан от 27.06. 2017 г.

8. О первоочередных мерах по либерализации валютной политики от 2.09.2017.

9. Концепция административной реформы в Республике Узбекистан. Приложение №1 к Указу Президента Республики Узбекистан от 8.09.2017 г.

10. О внесении изменений и дополнения, а также признании утратившими силу некоторых Указов Президента Республики Узбекистан в связи с принятием основных направлений налоговой и бюджетной политики на 2017 год. УП -4993 от 18.03 2017г.

11. О дополнительных мерах по обеспечению ускоренного развития предпринимательской деятельности, всемерной защите частной собственности и качественному улучшению делового климата" 5 октября 2016 года N УП-4848

12. О мерах по кардинальному улучшению инвестиционного климата в РУз. УП 5495 от 01.08.2018г.

13. «Ўзбекистон–2030 стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-158-сонли Фармони, 2023 йил, 11 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва фармойишлари

14. О мерах по коренному совершенствованию налогового администрирования, повышению собираемости налогов и других обязательных платежей. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5116 от 18.07.2017 г.

15. О создании Государственного фонда поддержки развития предпринимательской деятельности . Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-3225 от 17.08.2017 г.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

16. Мирзиёев Ш.М. Выступление на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан. - Народное слово, 9.09.2016 г. Электронный ресурс: <http://www.press-service.uz/ru/news/5325/> (Обращение от 15.09.2016)

17. Мирзиёев Ш.М. Последовательное продолжение демократических реформ, обеспечение в стране мира и спокойствия, создание достойных условий жизни для нашего народа – гарантия устойчивого развития. Доклад на VIII съезде Либерально-демократической партии Узбекистана. – Народное слово, 02.11.2016 г.

18. Мирзиёев Ш.М. Мы вместе построим свободное демократическое и процветающее государство. Выступление на торжественной церемонии вступления в должность Президента Республики Узбекистан на совместном заседании палат Олий Мажлиса. –16.12.2016 г.

19. Мирзиёев Ш.М. Обеспечение верховенства Закона и интересов человека- гарантия развития страны и благополучия народа. Доклад избранного президента РУз Ш.Мирзиёева на торжественном собрании, посвященное 24-й годовщине принятия Конституции РУз 7 декабря 2016 г.

20. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга кураимиз. Выступление Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева на встрече посвященной 25- летию образования Республиканского интернационального культурного центра. 2017 г.

21. Мирзиёев Ш.М. Свободное, демократическое и процветающее государство Узбекистан мы построим вместе с нашим мужественным и благородным народом. Выступление на торжественной церемонии вступления в должность Президента Республики Узбекистан на совместном заседании палат Олий Мажлиса. – Народное слово, 16.12.2016 г.

22. Мирзиёев Ш.М. Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя. Доклад на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2016 г. и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2017 г. – Правда Востока, 16.01.2017 г.

Махсус адабиётлар

23. Азизова И.А. Бюджетирование, ориентированное на результат. – Ташкент:.. - 2010.

24. Айвазян С.А., Бродский Б.Е. Макроэкономическое моделирование: подходы, проблемы, пример эконометрической модели российской экономики. – Прикладная эконометрика, №2, 2006.
25. Ахмедов Р. Направления определения эффективности расходов Государственного бюджета и оценки его результативности. Справочник финансового работника. №3, 2017. – С.49-49
26. Jane Frecknall-Hughes The Theory, Principles and Management of Taxation: an Introduction / Routledge Taylor and Francis Group/London and NEW YORK. 2015.
27. 43.Носова С.С. Макроэкономика в вопросах и ответах: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2012. – 224 с.
28. Абакумова О.Г. Макроэкономика: Конспект лекций. – М.: А – Приор, 2012. – 155 стр.
29. Джумаев З.А. “Макроиктисодиёт” фанидан Ўқув-услугий мажмуа.- Тошкент: Иқтисодиёт. 2012 й. – 598 б.
30. Вечканов С.В., Вечканова Г.Р. Макроэкономика. Краткий курс.: учебное пособие. СПб.: Питер, 2010. -288 с.
31. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие. М.: КНОРУС, 2010. -302 с.
32. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики. СПб.: Питер, 2009. -544 с.
33. IMF Executive Board Concludes 2026 Article IV Consultation with the Republic of Uzbekistan

Интернет ресурслари:

<http://www.stat.uz>, <http://mf.uz>, <https://soliq.uz/>, <http://www.akt.uz>,
<http://www.lex.uz>, <http://www.garant.uz>, <http://www.antimon.ru>
<http://www.gki.uz>, <http://www.oecd.org>, <http://www.imf.org>.
<https://cbu.uz/uz/>